

НАЗМ АҚОИД ТОШБОСМАСИ УЧУН АСОС БЎЛГАН ҚЎЛЁЗМА МАНБА

ТДШУ 2-курс магистранти

Мусабоев Комрон

“Назми ақоид” асарининг бизгача етиб келган ва тадқиқотларда фаол қўлланилаётган асосий шакли — тошбосма нусхалардир. Асарнинг қўлёзма шаклидаги бир неча нусхалари мавжуд бўлса-да, кенг тарқалиши ва тадқиқотчиларга маълум бўлиши асосан XX аср бошларида нашр этилган тошбосма шакли орқали амалга ошган. Мазкур тошбосма нусхалар нафақат асарнинг мазмуни, балки муаллифлик масаласи ва асарнинг адабий-илмий қийматини баҳолашда ҳам муҳим манба вазифасини ўтаган.

Бу тошбосмаларнинг пайдо бўлиши, нашрга тайёрланиши ва тарқатилишида алоҳида шахслар хизмат қилган. Улардан бири — Мақсудхон Шоший бўлиб, айнан унинг ташаббуси билан “Назми ақоид” асари 1907 йилда бир неча марта Тошкентда тошбосма шаклда чоп этилган. Мазкур нашрлар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти Хамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар фондида сақланади.

Мақсудхон Шоший (вафоти XX аср бошлари) илмий-маърифий фаолияти билан танилган, ўша даврдаги фаол зиёлилардан бири сифатида қайд этилади. Унинг томонидан 1325/1907 йилда “Назми ақоид” асари бир неча марта тошбосма усулида нашр этилган. Ушбу нашрлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти Хамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар фондида 256, 1790, 2885, 6113, 9950, 21078 рақамлар остида сақланмоқда. Бу тошбосмалар бизга асарнинг матни, шакли ва муаллифликка доир маълумотларни тақдим этади.

Бу нашрлар 11946 рақамли қўлёзма асосида тайёрлангани илмий таҳлил орқали тасдиқланган. Аввало, тошбосма матнидаги шеърӣ тартиб, арабча иборалар ва уларнинг жойлашуви 11946 рақамли қўлёзма билан тўлиқ мос келади. Иккинчидан, қўлёзмадаги бир хатонинг тошбосмада тўғрилаш орқали берилгани, нашр муҳаррирлари қўлёзмани диққат билан таҳрир қилганини кўрсатади. Шунингдек, тошбосма нусхада ҳам колофонда муаллиф сифатида Алишер Навоӣ номи қайд этилгани — айнан шу нусхага таянилганидан далолат беради.

Асарнинг Мақсудхон Шоший томонидан нашр этилган тошбосма нусхалари билан бир қаторда, Бухорода чоп этилган яна бир тошбосма нусхаси ҳам тадқиқотчилар эътиборини тортган. Ушбу нусханинг биринчи бетидаёқ асар Алишер Навоӣ қаламига мансуб экани очиқ-ойдин таъкидланган. Бухоро нашрида келтирилган муқаддима матни ўз услуби, балоғати ва ифода кўлами билан ўз даврининг диний-маърифий асарларига хос белгиларни намоён этади.

Эркин тадқиқотчи А. Абдурахмонов мазкур босма нусха матнини таҳлил қилиб, уни замонавий ўзбек тилига табдил қилган ва бу асосда мақола ҳам эълон қилган. У ўз

тахлилида китобнинг биринчи бетига ифодаларни юқори балоғатли сўзлар деб баҳолайди ва қуйидаги сатрларни келтиради:

> “Ҳазрати Халлоқи замину замон ва розиқи инсу жон фазли беғояти билан аблағил булағо, афсаҳил фусаҳо, шуъарои туркий забонларнинг устоди ва муқтадоси Амир низомил миллат ва ваддин Алишер ал-мутахаллис бин Навоий қуддуса сирруҳунинг зубдаи таснифотидин ва умдаи таълифотидинким, масоили эътиқодот алфози ва иборот жавоҳирларин назм риштасиға тизибдурлар...”

Абдурахмонов бу сатрлардан хулоса қилиб, асарнинг муаллифи Алишер Навоий эканини очиқ қайд этади. Шунингдек, у китобнинг тузилиши, мақсади ва таъсир доираси ҳақида фикр билдириб, уни ақидавий ва илмий-маърифий хусусиятларга эга асар сифатида баҳолайди.

Шу билан бирга, мақолада қайд этилган баъзи байтларнинг таърифи тарихий хронология нуқтаи назаридан баҳсли ҳолатдир. Масалан, мақоладаги бир сатрда асарга Низомий Ганжавий, Амир Ҳусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий ва Амир Ҳусайн Бойқаро томонидан мақтов берилгани айтилади. Бу фикрни Абдурахмонов шундай изоҳлайди:

“Бу китобни Ганжавий “Сирлар хазинаси”, Деҳлавий “Нурлар манбаи”, Жомий “Озод эрлар тухфаси”, Амир Ҳусайн Бойқаро эса “Яхшилар ҳайрати” деб атади. Бу мақтовлардан маст бўлган Навоий эса уни “Назми Ақоид” деб атади...”¹³³

Бироқ тарихий даврлар нуқтаи назаридан бундай изоҳлар тўлиқ тўғри келмайди. Зеро, Низомий Ганжавий (1141–1209) ва Амир Ҳусрав Деҳлавий (1253–1325) Алишер Навоийдан анча аввал яшаб ўтган. Демак, уларнинг Навоий асари ҳақида фикр билдириши мумкин эмас. Бу ҳолат фикр ва изоҳларда эътиборсизлик, эҳтимол муаллифликни исботлашга бўлган ҳаддан ташқари интилишдан келиб чиққан бўлиши мумкин. Бу каби хулосалар “Назми ақоид” асарини Навоийга тегишли деб қабул қилиш учун етарли бўлмаслиги, балки уларни таҳлил ва далиллар билан асослаш зарурлигини кўрсатади.

Асарга оид қарашлар турлича бўлиб, баъзи тадқиқотчилар унинг номи, муаллифи ва тарқалиш тарихи юзасидан турфа фаразлар билдирганлар. Улардан бири — тадқиқотчи Н. Усмонова бўлиб, у “Назми ақоид” асарини “Сабаби назми ақоид” деб атаб, асар илк бор Муҳаммад Юсуф Бухорий томонидан жамланганини таъкидлайди. Бу фикрни у ўз мақоласида қуйидаги гаплар орқали баён этади:

“Бизнинг тадқиқотимизга кўра, асар илк ўлароқ асли бухорлик аҳли илмлардан бўлган, ҳозирча бизга насаб ҳамда яшаб ўтган, асарни қоғозга туширган саналари номаълум бўлган Муҳаммад Юсуф Бухорий исмли шахс томонидан жамланиб, китоб ҳолига келтирилган, чамамизда.”

У тадқиқот давомида асос сифатида Муҳаммад Юсуф Бухорий томонидан асар муқовасидан кейинги саҳифага ёзилган матнни келтиради. Унда Навоийнинг исми, асар мазмуни ва мақсади ҳақида маълумотлар бор. Аммо бу матнда асарнинг аниқ

¹³³ https://ravza.uz/story/Alisher_Navoiy_aqida_bobida_asar_bitganmi

номи “Назми ақоид” деб кўрсатилган. Шу сабабли “Сабаби назми ақоид” деб номланиши —тадқиқотчи томонидан қўшилган изоҳий ёндошув бўлиб, ҳақиқий ном эмас.

Бундан ташқари, Н. Усмонова асарни жорий алифбога табдил қилиб, Microsoft Word дастурида китоб шаклида тузганини қайд этади. Табдил қилинган вариант 14 ҳажмдаги шрифт билан 100 бетни ташкил қилган. Лекин тадқиқотда келтирилган иқтибослар ва ҳаволалар асосан Мақсудхон Шоший томонидан нашр этилган тўғридан-тўғри тошбосма нусхаларга таянади. Бу эса тадқиқотчи қўлёзма нусхалари эмас, тошбосма асосида иш юритганини кўрсатади.

Мухими, у келтирган манбаларда ҳам асар номи расман “Назми ақоид” деб қайд этилган. Шунинг учун “Сабаби назми ақоид” атамаси тадқиқотчи томонидан тузилган шартли изоҳ ёки таъбир бўлиши мумкин. Бу номни китобнинг расмий номи сифатида қабул қилиш учун етарли асослар мавжуд эмас.

Шунингдек, фақат тошбосма материалларига таяниб ҳулоса чиқариш илмий нуқтаи назардан чекланган ечим ҳисобланади. Асарнинг ҳақиқий муаллифи ва тарихий қийматини баҳолаш учун аввал мавжуд барча қўлёзма нусхаларни ўрганиш, уларни қиёсий таҳлил қилиш ва колофон, сатрлар, байтлар орқали далиллаш талаб қилинади.

“Назми ақоид” асарига оид тошбосма нусхалар интернет тармоғида турли кўринишларда учрайди. Ушбу ресурсларда асосан Мақсудхон Шоший нашр этган тошбосма нусхаларга суянган ҳолда маълумотлар берилади. Лекин ушбу маълумотларнинг аксарияти тадқиқот учун етарли даражада илмий ишончли эмас.

Интернетдаги баъзи мақолаларда асарнинг мазмуни, номи ва муаллифлигига оид хом фикрлар ва тахминлар қайд этилган. Масалан, баъзи таҳлилчилар асар номини ҳар хил шаклда берган, муаллифликни эса муҳокамали манбаларга таянган ҳолда баҳолаган. Айрим ҳолларда асарнинг “Назми ақоид” деб эмас, “Сабаби назми ақоид” ёки “Ақоид назми” деб аташ ҳоллари ҳам учрайди. Лекин бу номланишларнинг ҳеч бири тўғридан-тўғри қўлёзмаларда тасдиқланмаган.

Шунингдек, интернетдаги баъзи манбаларда китоб сўнгида келтирилган байтлар орқали унинг муаллифини тасдиқлашга уринишлар ҳам кўзатилади. Аммо бу ҳолларда хронологик хатолар йўл қўйилган. Масалан, Низомий Ганжавий, Амир Ҳусрав Деҳлавий ва бошқа Навоийдан аввалги классикларнинг асарни мақтагани айtilган, бу эса тарихий жиҳатдан мутлақо нотўғри.

“Назми ақоид” асарининг тошбосма нашрига асос бўлган 11946 рақамли қўлёзма нусхаси ўз хусусиятлари билан бошқа қўлёзмалардан ажралиб туради. Унинг 1868 йилда Тошкентда машҳур хаттот Юнус Шахрисабзий томонидан китобат қилингани ва колофонида Алишер Навоий муаллиф сифатида қайд этилгани, тадқиқот нуқтаи назаридан жуда муҳим. Бундай аниқ, қимматли маълумот бошқа қўлёзма нусхаларда учрамайди.

Ушбу нусха формат жиҳатидан катта (50×30 см), тўрт устунли, рангли жадвалли тарзда безалган. Матнда иқтибослар қизил сиёҳда, асосий сатрлар қора сиёҳда

кўчирилган. Бундай мукаммал китобат услуби матнни аниқ ўқиш, таҳлил қилиш ва нашрга тайёрлашда катта афзаллик беради. Пойгирлар, ҳошия чизиқлари ва барча безаклар асарга нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашилганини кўрсатади.

Энг муҳими, 11946 рақамли қўлёзма мазмун жиҳатидан тўлиқ ва мукаммал. Матндаги сатрлар кетма-кетлиги, арабча иборалар, диний атамалар, шеърӣ байтлар — барчаси мукаммал шаклда сақланган. Тошбосма нашри билан бевосита таққослаганда, нусхадаги байтлар тартиби, жумлалар тузилиши ва китобат услуби тўлиқ мос тушиши қайд этилган.

Бундан ташқари, ушбу қўлёзмадаги айрим хатоларнинг тошбосмада тўғриланиши нашр тайёрловчиларнинг айнан шу нусхадан фойдаланганини кўрсатади. Бу эса мазкур қўлёзмани танқидий матн тайёрлаш учун асосий манба сифатида баҳолашга тўла имконият беради. Тошбосма нусхалардаги муаллиф номи қайди, маънавий мазмуннинг Навоӣ услубига ҳослиги ва шеърӣ шаклнинг баланд даражада ташкил этилгани ҳам 11946 рақамли нусха манба сифатида қимматли эканини исботлайди.

Тадқиқотчи учун бу нусха нафақат текстологик таҳлил, балки муаллифликни асослаш, матнни нашрга тайёрлаш ва қиёсий тадқиқотлар олиб боришда энг ишончли манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

“Назми ақоид” асарининг тошбосма нашридаги манбаларини ўрганиш, аниқса 11946 рақамли қўлёзманинг таҳлили, асарнинг Алишер Навоӣ қаламига мансублиги борасидаги масалани чуқурроқ англашга замин яратади. Мақсудхон Шоӣӣй томонидан 1907 йилда чоп этилган бир неча тошбосма нусхалар айнан шу қўлёзма асосида тайёрлангани, матннинг тартиби, шакли ва мазмунидан яққол сезилиб турибди.

Бухоро нашридаги муқаддима сўзларида ҳам Навоӣй номи очиқ тилга олинган.

11946 рақамли нусха китобат сифати, мукаммаллиги ва матнда муаллиф номи қайд этилган ягона қўлёзма экани сабабли, “Назми ақоид” асари бўйича олиб бориладиган ҳар қандай илмий тадқиқотда асосий манба сифатида баҳоланиши керак. Унга асосланган тошбосма нусхалар — бу қўлёзманинг омма ичидаги тарқалиш тарихи ва таъсирини тасдиқлайди.

Шунингдек, мазкур параграфдаги таҳлиллардан келиб чиқадиган умумий хулоса шундан иборатки, “Назми ақоид” асарини нашрга тайёрлаш, унинг муаллифлик манбасини аниқлаш ва уни танқидий матн сифатида тиклашда 11946 рақамли қўлёзма энг тўлақонли ва ишончли манба ҳисобланади.